

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АБДИКАМАЛОВА АЗИЗА БАХТИЯРОВНА**

**АЛЮМОСИЛИКАТЛАР ВА МЕТАЛЛАР ПОЛИОКСОКАТИОНЛАРИ  
АСОСИДА ИНТЕРКАЛИРЛАНГАН СИСТЕМАЛАР СИНТЕЗИ ВА  
КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Абдикамалова Азиза Бахтияровна**

Алюмосиликатлар ва металллар полиоксокатионлари асосида интеркалирланган системалар синтези ва коллоид-кимёвий хоссалари..... 3

**Абдикамалова Азиза Бахтияровна**

Синтез и коллоидно-химические свойства интеркалированных систем на основе полиоксокатионов металлов и алюмосиликатов..... 29

**Abdikamalova Aziza Bakhtiyarovna**

Synthesis and colloidal-chemical properties of intercalated systems based on metal polyoxocations and aluminosilicates..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АБДИКАМАЛОВА АЗИЗА БАХТИЯРОВНА**

**АЛЮМОСИЛИКАТЛАР ВА МЕТАЛЛАР ПОЛИОКСОКАТИОНЛАРИ  
АСОСИДА ИНТЕРКАЛИРЛАНГАН СИСТЕМАЛАР СИНТЕЗИ ВА  
КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/K112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши ЎзР ФА ҚБ Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Эшметов Иззат Дусимбатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедов Улуг Каримович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Юнусов Мирахмат Пулатович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сидиков Абдужалол Сидикович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон  
миллий университети**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02.30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «25» август 2021 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» август куни тарқатилди.  
(2021 йил «11» август № 6 - рақамли реестр баённомаси)



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**Ш.С.Намазов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда адсорбентлар, катализаторлар ҳамда доривор моддаларнинг ташувчилари, полимер материаллар ва композитларнинг тўлдирувчилари сифатида фойдаланиш ҳамда бошқа турли мақсадлар учун янги юқори самарадор нанотузилишли материаллар синтезига йўналтирилган фан тармоғининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Мазкур жараёнларни ривожланган юқори ғовакли тузилишга эга моддалардан фойдаланмасдан амалга оширишнинг имкони йўқ. Алюмосиликатларнинг табиий ҳамда модификацияланган шакллари саноат миқёсида кенг қўлланиш соҳаларини топмоқда ва мақсадли модификация жараёнида бошқариладиган ғовакли тузилиш ва таркибга эга бўлганлиги туфайли илмий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу билан бирга, янги юқори самарадор ва регенерацияланадиган адсорбентлар ва суюқ ҳамда газ муҳитларини тозалашда каталитик фаолликка эга материалларни олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда металлларнинг полиоксокатионлари ва алюмосиликатлар асосидаги истиқболли юқори ғовакли тузилишли материалларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада табиий алюмосиликатларни мақсадли модификациялашнинг физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқишга, олинadиган адсорбентлар ва катализаторларнинг синтез усули, таркиби ва текстур хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатишга, табиий ва саноат оқава сувларини тозалашда адсорбентлар ва катализаторлардан фойдаланиш имкониятини аниқлашга, улардан фойдаланган ҳолда юқори ғовакли тузилишли материалларни олиш ҳамда суюқ ва газли муҳитларни тозалаш технологияларини ишлаб чиқиш ва апробациясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда бентонит, каолин, вермикулит ва бошқа алюмосиликатлар асосидаги функционал материаллар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш” масалалари бўйича вазифалар белгиланган<sup>1</sup>. Бу борада, замонавий экологик талабларга жавоб берадиган табиий алюмосиликатлар асосида юқори ғовакли адсорбентлар ва катализаторларни яратиш, уларнинг тузилиши, олиниш усуллари ва текстур хоссалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳамда наноструктур моддалар регенерацияси жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

4947-сон Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Интеркалирланган алюмосиликатларнинг синтези, ҳусусан, органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалардан оқова сувларни комплекс тозалаш мақсадида адсорбентлар ва катализаторлар ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасарида жумладан: Michigan State University (АҚШ), University of Massachusetts (АҚШ), Jai Narain Vyas University (Ҳиндистон), NEC Research Institute (Буюк Британия), RMIT University Melbourne City Campus (Австралия), Indian Institute of Technology Jodhpur (Ҳиндистон), Anna University (Ҳиндистон), University of Tunis El Manar (Тунис), РФА Сибирь бўлими Байкал табиатини бошқариш институти (Россия), Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети (Россия), Г.К. Боресков номидаги катализ институти (Россия), ЎзР ФА Умумий ва анорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунёда чиқинди сувларни тозалаш учун юқори самарадор адсорбентлар ва катализаторлар ишлаб чиқариш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қатламли алюмосиликатларни интеркалирлашнинг мақбул шароитлари аниқланган (Engelhard Minerals & Chemicals Corporation компанияси (АҚШ)), зарур ҳусусиятларга эга қайта ишланган каолин материални олиш учун каолинни интеркалирлаш технологияси яратилган (China University of Mining and Technology Beijing Graduate Scholl (Қитой)), аммоний, фосфоний ёки сулфоний каби бирикмаларни интеркалирлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқилган (Toyota Research Group, GMC Safari технологияси (Япония)), қопламалар, адгезион моддалар, боғловчи материаллар, мустаҳкамловчи пластмассалар ва бошқа композициялар сифатида кўпвалентли катионлар ва кислотали функционал органик бирикмалардан фойдаланган ҳолда гилларни модификациялашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқилган (Rohm and Haas Company (АҚШ)).

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тавсифи <https://science.sciencemag.org/content/220/4595/365>, <https://www.annualreviews.org/doi/abs/10.1146/annurev.matsci.27.1.89>, webmaster: webmaster@ogbus.ru ва бошқа ҳаволалар.

Дунёда нанотузилишли материалларни яратиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: манбалар кўламини янада кенгайтириш; нанотузилишли материаллар сифатини, иссиқбардошлигини ва кимёвий барқарорлигини ошириш; саноат чиқиндиларини утилизация қилиш учун атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган турли адсорбентларни олиш усулларини такомиллаштириш; сув муҳитидаги органик ифлослантирувчи моддаларни оксидлаш учун каталитик жараёнлардан фойдаланишни кенгайтириш; табиий ва оқова сувларни адсорбцион-каталитик тозалаш технологиясини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё миқёсида металлларнинг полиоксокатионларини интеркалирлаш билан қатламли материалларнинг текстур хусусиятларини такомиллаштиришга, хусусан адсорбентлар ва каталитик фаол моддалар ишлаб чиқаришга Klooproogge J.T., Ramirez J.H., Carriazo J., Tomul F., Zhou J., Chen Q., Pinnavaia T.J., Конькова Т.В., Ханхасаева С.Ц., Бутман М.Ф., Брызгалова Л.В., Дашинамжилова Э.Ц., Бадмаева С.В. ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Мамлакатимизда Ахмедов К.С. томонидан модификацияланган қатламли тизимлар асосида самарали адсорбентларни олиш борасида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари: Ҳамраев С.С., Агзамхожаев А.А., Нарметова Г.Р., Мўминов С.З., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Акбаров Х.И., Эшметов И.Д., Салиханова Д.С. ва бошқалар унинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Мазкур олимлар томонидан табиий манбаларни ўрганиш, уларни турли хил модификаторлар ёрдамида модификациялаш усулларини тадқиқ қилиш, синтез усули ва коллоид-кимёвий хоссалари, олинган материаллар структурасининг тузилиши, шунингдек уларнинг барқарорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш, металл полиоксокатионларини синтез қилиш ва уларни қатламли алюмосиликатларнинг қатламлараро фазосига интеркалирлаш жараёнини тадқиқ қилиш, органик ва ноорганик табиатли адсорбатларга нисбатан адсорбцион хусусиятларини ўрганиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда модификацияланган қатламли тизимлар вольфрам, палладий, платина ва шу каби катализаторлар учун муайян ташувчилар сифатида ўрганилди.

Шу билан бирга, солиштирма сирт майдони ривожланган ғовакли адсорбентлар ва катализаторларни мақсадли синтез қилиш бўйича илмий асосланмаган саволлар, шунингдек интеркалирланган бентонитлар, вермикулитлар ва каолинларнинг саноатлик ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва фойдаланиш муаммолари учрайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси мувофиқ №ФА-Ф-7-001 “Қорақалпоғистоннинг карбонатли минераллари асосида боғловчи

тизимларни олишнинг илмий асосларини яратиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** металллар полиоксокатионлари ва алюмосиликатлар асосида интеркалирланган системаларни синтез қилиш ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий хомашёни танлаш, уларнинг кимёвий ва минералогик таркибини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказиш;

монтмориллонит, каолин, вермикулит ва темир полиоксокатионлари, шунингдек темир ва мис поликатионлари аралашмасига асосланган интеркалирланган системаларни олиш усулларини ишлаб чиқиш;

металлларнинг полиоксокатионлари таркиби ва тузилишини олинган материалларнинг текстуравий ва коллоид-кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ўрганиш объектларида сув ва бензол буғи, шунингдек эритмалардан метилен кўки, конго қизили ва фенол адсорбциясини ўрганиш;

бўёқ модда:интеркалирланган алюмосиликат системасида содир бўладиган адсорбцион жараёнларнинг кинетик ва термодинамик қонуниятлари ҳамда механизмларини ўрганиш;

фенол ва унинг гомологлари, катионли ва анионли бўёқ моддалар, нефть маҳсулотлари ва ёғ-мой моддаларни интеркалирланган алюмосиликатлардан фойдаланган ҳолда суюқ фазали каталитик оксидлаш жараёнларининг мақбул шароитларини (ҳарорат, оксидловчи ва алюмосиликат сарфи, системанинг таъсирлашиш вақти) аниқлаш;

интеркалирланган системалар фаоллиги ва барқарорлигини уларнинг таркиби ва олиниш усулига боғлиқлигини аниқлаш;

интеркалирланган монтмориллонитларнинг тажриба-саноат партияларини олиш, интеркалирланган системалар ёрдамида оқова сувларни ёғ-мой моддалар ва бўёқлардан комплекс тозалашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Крантау ва Навбаҳор конларининг монтмориллонит сақлаган гиллари, товар каолини, Тебинбулоқ кони вермикулити,  $Fe^{3+}$  ва  $Fe^{3+}/Cu^{2+}$  полиоксокатионлари, оқова сувларни тозалаш мақсадида синтез қилинган адсорбент ва катализаторларнинг намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Fe ва Fe/Cu полиоксокатионларини алюмосиликатларнинг қатламлараро фазосига интеркалирлаш усуллари, шунингдек уларнинг коллоид-кимёвий, адсорбцион хусусиятлари ҳамда адсорбент-адсорбат ва катализатор-оксидловчи ўзаро таъсирлашиш механизмлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий (рентгенфазавий, термогравиметрик, ИҚ, УБ-спектрал таҳлиллари, атом адсорбцион спектроскопия, электрон микроскопия, газ-суюқлик хроматографияси) ва коллоид-кимёвий (калориметрик, кондуктометрик)

усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

алюмосиликатлар ва Fe полиоксокатионлари, шунингдек аралаш Fe/Cu катионлари асосида интеркалирланган системаларни олиш усуллари ишлаб чиқилган;

интеркалирланган системаларнинг текстур ва физик-кимёвий хусусиятларига полиоксокатионлар таркиби, тузилиши, ва дастлабки алюмосиликатлар табиатининг таъсири ҳамда алюмосиликатларнинг катион-алмашинув сиғими интеркалирлаш жараёнининг унумдорлигига бевосита боғлиқлиги аниқланган;

бойитилган табиий алюмосиликатларни Fe полиоксокатионлари билан интеркалирлаш жараёнида алюмосиликатларнинг анион алмашилиш сиғимини ошириш имконияти аниқланган бўлиб,  $PO_4^{3-}$  ионлари бўйича адсорбцион сиғим қуйидагича  $10\text{-Fe/Cu-KP-1} > 10\text{-Fe-KP-1} > 10\text{-Fe/Cu-НИБ-1} > 10\text{-Fe-НИБ-1} > \text{В4-Fe/Cu} > \text{В4-Fe} > \text{Fe-БК}$  камайиши адсорбентларнинг солиштирма юзасини ва умумий микроғоваклар миқдори камайиши ҳисобига эканлиги исботланган;

интеркалирланган алюмосиликатларни термик ишлов бериш ( $400\text{-}500^\circ\text{C}$ ) натижасида бентонитлар қатламлараро масофасининг  $15,1\text{-}15,4$  дан  $13,5\text{-}14,0$  Å гача қисқариши сув ва бензол буғларига нисбатан уларнинг адсорбцион фаоллиги пасайишига олиб келиши аниқланган;

сувли муҳитда водород пероксид иштирокидаги органик бирикмаларнинг оксидланиш реакцияларида Fe-, Fe/Cu-интеркалирланган системаларнинг каталитик таъсир механизмлари ва кинетик қонуниятлари аниқланган;

интеркалирланган алюмосиликатларнинг фаоллиги ва барқарорлиги билан уларнинг таркиби, пилларлаш ва синтез қилиш шароитлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

гетероген фото-Фентон тизимида азобўёқларни, фенол ва унинг гомологлари ҳамда нефт маҳсулотларининг каталитик оксидлаш жараёни учун Fe ва Fe/Cu-пиллар гилларининг самарадорлиги ҳамда бу системада УБ нурларини ва оксидловчини қуллаш жараён давомийлигини 10 мартагача қисқаришига олиб келиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

оқава сувларни бўёқ моддалардан, баъзи металл ионларидан, ёғ-мой моддалардан тозалаш жараёнлари учун темир полиоксокатионлари ва алюмосиликатлар асосидаги адсорбентлар ва катализаторларни олиш усули ишлаб чиқилган;

оқава сувларни металл ионлари, нефть маҳсулотлари ва ёғлардан адсорбцион тозалаш усули ишлаб чиқилган;

оқава сувларни бўёқ моддалардан фото-Фентон тизимида оксидловчи ва адсорбцион тозалашни ўз ичига олган икки босқичли тозалаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий ва коллоид-кимёвий усуллар ёрдамида амалга

оширилиб, тажриба синовлари тўқимачилик саноатининг лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида ҳамда «Қарақалпақ суу таминат» базасида ўтказилган ва тажриба-синов далолатномалари билан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алюмосиликатлар асосида ривожланган юқори ғовакли тузилишга эга интеркалирланган системаларнинг йўналтирилган синтез усуллари ишлаб чиқиш, адсорбент-адсорбат ўзаро таъсир механизми ва қонуниятларини ўрнатиш, алюмосиликат ташувчисининг табиати ва текстур хусусиятларининг органик моддаларни оксидлаш асосида парчалаш реакцияларидаги катализаторларнинг фаоллиги ва барқарорлигига боғлиқлигини ўрнатиш билан асосланган бўлиб, бу юқори самарали адсорбентлар ва каталитик фаол материалларнинг мақсадли синтези учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида оқава сувларни фенол ва унинг гомологларидан, буёқлардан ва нефт маҳсулотларидан комплекс зарарсизлантиришда импорт урнини босувчи адсорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқишда ҳамда ўқув муассасаларида кимё ва кимёвий технология соҳаларида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёни учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алюмосиликатлар ва металллар полиоксокатионлари ёрдамида модификациялаб юқори ғовакли материаллар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

интеркалирланган алюмосиликатлар ёрдамида оқава сувларни металл ионлари, нефт маҳсулотлари ва ёғ-мой моддалардан тозалаш усуллари «Қарақалпақ суу таминат» МЧЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология қўмитасининг 2021 йил 16 июндаги 02/18-1394-сон маълумотномаси). Натижада, алюмосиликатлар асосидаги адсорбентлар ёрдамида канализация тармоқларидаги сувларни металл ионлари ва ёғ-мой моддалардан 90% унум билан тозалаш имкониятини беради;

интеркалирланган алюмосиликатлар ёрдамида оқава сувларни буёқ моддалардан тозалашнинг 2 босқичли технологияси «BOSTON MEGA TEXTIL» МЧЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология қўмитасининг 2021 йил 16 июндаги 02/18-1394-сон маълумотномаси). Натижада, адсорбентлар ва катализаторларни такроран ишлатиш асосида мазкур соҳадаги оқава сувларни 95% дан ортиқ даражада буёқ моддалардан тозалаш имконини беради;

юқори ғовакли адсорбентларда катионли ва анионли буёқлар адсорбцияси механизми ва кинетик тавсифлари №ПЗ-2017091327 «Юқори самарали маҳаллий адсорбентлар ёрдамида саноат (ёғ-мой ва бошқалар) оқава сувларини тозалашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳасида адсорбатлар адсорбциясини қиёсий таҳлил қилишда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 17 июндаги 1779-сон маълумотномаси). Натижада, физик-кимёвий таҳлиллар ёрдамида адсорбентларда адсорбцион ва каталитик жараёнларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қатламли табиий ва синтетик материаллар: структуравий хусусиятлари ва қўлланилиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида, алюмосиликат минераллари, уларни модификациялаш усуллари ва интеркалирлаш жараёнлари кўриб чиқилган, интеркалирланган системаларни фенол ва унинг гомологлари, бўёқ моддалар, нефт маҳсулотлари ва шу каби бошқа органик моддаларни парчаловчи катализаторлар ва адсорбентлар сифатида таҳлил қилинган, интеркалирланган алюмосиликатларнинг фаоллигини турли муҳитларда бошқариш ва уларда содир бўладиган адсорбцион жараёнлар тўғрисидаги мавжуд ғоялар ўрганилган. Оқова сувларни тозалашнинг замонавий усуллари, уларнинг самардорлиги ва замонавий саноат тармоқлари учун аҳамияти таҳлил қилинган. Оқова сувларни ҳар хил ифлослантирувчи моддалардан тозалаш учун адсорбентлар яратишнинг коллоид-кимёвий асослари тўғрисидаги маълумотлар батафсил келтирилган.

Адабиётлар таҳлили саноат оқова сувларини комплекс зарарсизлантиришга мўлжалланган модификацияланган нанотузилишли материалларни синтез қилиш учун маҳаллий алюмосиликат минералларидан фойдаланиш имкониятини маълум қилади. Адабиётларни таҳлил қилиш ушбу ишнинг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг «Қатламли алюмосиликатлар, уларнинг таркиби, тузилиши ва адсорбцион хусусиятлари» деб номланган иккинчи боби материалларнинг кимёвий ва минералогик таркибини, тузилишини ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш услубларини ўз ичига олган ишнинг услубий қисми келтирилган. Шунингдек, Крантау (ҚР) ва Навбахор (НИБ) конларининг бентонитли гиллари, бойитилган каолин (БК) ("Алянс" МЧЖ Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани) ҳамда Тебинбулоқ кони вермикулити (В) нинг адсорбцион хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Материалларнинг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш учун: РФА, ИҚ-, УБ-спектроскопия, электрон микроскопия, ДТА, ЮССХ, атом-адсорбцион спектроскопия, потенциометрия, кондуктометрия, фотометрия усуллари қўлланилган.

Маълумки, алюмосиликатларнинг текстур хусусиятлари, яъни ғоваклилик даражаси кристалл панжаранинг тузилишига ва қаватлар орасида жойлашган алмашинувчи катионларнинг миқдорига боғлиқ. Шунинг учун ўрганилаётган объектларнинг адсорбцион параметрларини ўлчашдан олдин уларнинг алмашинувчи катионлари миқдори аниқланган. Ҳар икки бентонитнинг катион-алмашинув сифими асосан  $\text{Na}^+$ ,  $\text{K}^+$  ва  $\text{Ca}^{2+}$  катионлари билан ифодаланган ҳамда ҚР ва НИБ намуналари учун мос равишда 88,5 ва 90,0 мгэкв/100 г ни ташкил этади. Алмашинадиган катионларнинг сони ва уларнинг алмашилиш осонлиги йирик катионлар билан модификациялаш жараёнларида асосий мезон ҳисобланади, чунки ушбу жараён мазкур катионларнинг алмашинуви туфайли юзага келади. Бинобарин, бентонитлар асосидаги интеркалирланган материалларни синтез қилиш жараёнида унум юқори қийматларга эга бўлиши зарур, чунки БК ва В намуналарининг кўрсаткичлари анча паст қийматга эга (24,4 ва 56,5 мгэкв/100 г).


Алюмосиликатларнинг текстур хусусиятлари сув ва бензол буғлари адсорбцияси бўйича юқори вакуумли адсорбцион Мак-Бен қурилмасида аниқланган. Намуналарнинг  $S_{\text{сол}}$  солиштирма сирт юзаси олинган изотермалар турига қараб, Ленгмюр ва БЭТ назарияси тенгламалари асосида ҳисоблаб чиқилган. ҚР ва НИБ намуналарида, шунингдек уларни юқори ҳароратда қиздирилган намуналарида сув буғи адсорбциясини ўрганиш шуни кўрсатдики, термик ишлов бериш уларнинг сирт юзаларининг ўзгаришига олиб келади. ҚР ва НИБ нинг дастлабки ҳамда 500°C ҳароратда қиздирилган намуналарида сув буғининг адсорбцияси изотермалари 1 ва 2 расмларда келтирилган.

Ушбу изотермалар таҳлили қуйидаги соҳаларда: адсорбциянинг бошланғич вақтида эгри чизиқнинг  $P/P_0=0,4$  га қадар кескин кўтарилиши,  $P/P_0=0,4-0,8$  оралиғида деярли горизонтал соҳа,  $P/P_0=0,8$  соҳада эгри чизиқнинг кескин ортиши билан бориши кузатилди. Дастлабки дўнг соҳа адсорбциянинг бошланғич вақтда тез давом этишини, шундан сўнг  $P/P_0=0,4-0,8$  оралиғида стабиллашишини кўрсатади. Ушбу турдаги изотерма асосан мезоғовакларга ҳамда кам миқдорда мезоғовак ва микроғовакларга эга материаллар учун хосдир. Нисбий босимнинг ортиши билан ( $P/P_0 \approx 0,8$ )

изотермада бурилиш кузатилади, бу адсорбат молекулаларининг полимолекуляр адсорбцияси бошланишини кўрсатади, яъни, биринчи қатламни қоплаган сув молекулаларида юзасида иккинчи ва кейинги қатламларини ҳосил бўлишидан далолат беради.




**1-расм. Намуналарда сув буғининг адсорбцияси изотермалари: 1) КР; 2) НИБ ва уларнинг қиздирилган шакллари 3) ва 4).**




**2-расм. Намуналарда бензол буғининг адсорбцияси изотермалари: 1) КР; 2) НИБ ва уларнинг қиздирилган шакллари 3) ва 4).**

Дастлабки бентонитларга нисбатан юқори адсорбцион қобилиятини мазкур минералларнинг қатламлараро бўшлиқларига сув молекулаларининг кириши ҳисобига қатламлараро масофани кенгайтириши билан изоҳлаш мумкин. 500°С ҳароратда қиздирилган намуналарда сув молекулаларининг адсорбцияси миқдорининг сезиларли пасайиши эҳтимол, мавжуд ғоваклар юзаси ва умумий адсорбцион сиғимининг (АС) камайиши ҳисобига рўй беради.

Сув буғи адсорбцияси қийматларини аниқлаш натижалари асосида солиштирма сирт майдонининг қийматлари ҳисоблаб чиқилган бўлиб, уларнинг қийматлари қуйидагича: КР учун 60,13 ва НИБ учун - 55,99 м<sup>2</sup>/г, сув буғларига нисбатан сорбцион сиғими 100 г КР ва НИБ лар учун мос равишда 16,65 г ва 15,5 г сувни ташкил этади.



**3-расм. Намуналарда сув буғининг адсорбцияси изотермалари: 1) БК ва 2) қиздирилган БК.**



**4-расм. Намуналарда бензол буғининг адсорбцияси изотермалари: 1) БК ва 2) қиздирилган БК.**

БКда сув буғининг адсорбцияси мезо ва макроғовакли материал учун хос бўлган изотермалар билан тавсифланади (3 ва 4-расмлар). Мазкур ҳолатда материалга макро ўлчамли ғоваклар мос келиб, буни намунанинг микроэлектрон тасвирларида ҳам кузатиш мумкин.

БК ни қиздириш сув буғига нисбатан адсорбцион хусусиятларининг

пасайишига олиб келиб, бунинг сирт юзаси бирлигига тўғри келувчи гидроксил гуруҳлари сонининг камайиши ҳисобига содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айнан гидроксил гуруҳлари сонининг камайиши туфайли каолин юзаси сезиларли даражада гидрофобикликка эга бўлади. Шунинг учун қиздирилган БКда гидрофоб бензолнинг адсорбцияси миқдорини ортиши кузатилади. Маълумки, гилли жисмларда бензол молекулалари қўшни кремний-кислородли тетраэдрлар орасидаги мавжуд ғовакларга сорбцияланади. Амалда каолин зарраларининг матрицалари учун бундай бўшлиқлар хос эмас, шу боис унда гидрофоб бензолнинг адсорбцияси чекланган. Дастлабки БКда бензол буғининг адсорбция изотермалари сув буғи адсорбцияси изотермаларидан адсорбция ортишининг чизиқли соҳаси йўқлиги билан фарқ қилади. Ушбу изотерма L-типга мансуб бўлиб, Ленгмюр тенгламаси билан яхши тавсифланади. Аммо қиздирилган БКда бензол буғининг паст нисбий босимдаги адсорбцияси дастлабки шаклига нисбатан анча юқори.  $P/P_0=0,4$  дан бошлаб, дегидроксиланган БК намунасидаги бензол адсорбцияси изотермасининг қийматлари аста-секин ўсиб боради ва юқори нисбий босимларда адсорбция қиймати 0,45 ммоль/г га етади, бу эса дастлабки БК қийматларидан 3 мартадан юқоридир.


Вермикулит материалининг ғоваклик ва катион алмашиниш сиғими қийматларининг анча юқори бўлишига қарамасдан, В намунасининг адсорбция қобиляти аввалги барча намуналардан кам. 5-расмда келтирилган изотермада физик адсорбция акс этган бўлиб, ўрганилаётган намунада турли хил ғовакликлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Шунингдек  $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Ni}^{2+}$ ,  $\text{PO}_4^{3-}$  ва  $\text{CN}^-$  ионларига нисбатан адсорбцион хусусиятлари ўрганилган. Анион алмашиниш сиғими БК<В<НИБ<КР тартибида ортиши аниқланган бўлиб, бу сиртдаги гидроксил радикаллари солиштирма концентрациясининг ортишига мувофиқ келади.  $\text{CN}^-$  ва  $\text{PO}_4^{3-}$  ионларининг адсорбция миқдорларини таққослаш шуни кўрсатадики, дастлабки намуналарнинг адсорбцион хоссалари биринчи анион бўйича юқорироқ бўлиб, бу ўлчамга боғлиқ ҳолда мавжуд ғовакларда ион алмашиниш ва физик адсорбция ҳисобига бориши билан тушунтирилади.


Шунга қарамай, БК асосидаги сорбентлар рН 5-7 оралиғида қолдиқ 50 мг/л концентрациясида мос равишда 4 ва 2 мг/г дан ошмайдиган миқдорда  $\text{CN}^-$  ва  $\text{PO}_4^{3-}$  анионларининг жуда паст сорбциясини кўрсатди. БК юзасининг мазкур анионларни боғлай олмаслиги бунга сабаб бўлиши мумкин. Лекин муҳит рНнинг ўзгариши барча ўрганилаётган объектларнинг адсорбцион фаоллигига у ёки бу даражада сезиларли таъсир қилади. Термик ишлов бериш натижасида КР ва НИБ намуналарининг  $\text{PO}_4^{3-}$  ионларига нисбатан сорбцион фаоллиги тахминан 63 ва 65% га камади. Юқори ҳароратда ишлов бериш энг кам таъсир қилган намуна каолин бўлиб,  $\text{PO}_4^{3-}$  ва  $\text{CN}^-$  га нисбатан адсорбцион фаоллиги мос равишда фақат 23 ва 31% га ўзгаради.

Қиздириш ҳароратининг кўтарилиши билан янги бўш ҳосилаларнинг йўқ бўлиб кетиши ва вермикулит матрицасининг зичлашишига олиб келиши аниқланди. Эҳтимол, серпантинсимон минераллар каби вермикулитни термик ишлов бериш сиртдаги  $\text{OH}^-$  гуруҳларини йўқотилиши ва матрицани

Ўзгартириш билан боғлиқ юқори ҳароратли таъсирга олиб келади. Шундай қилиб, адсорбция фаоллигининг пасайиши монтмориллонитли гиллар каби сезиларли бўлмасда, ҳар иккала адсорбат учун ҳам 20% дан ортиқни ташкил қилади.




5-расм. Сув буғининг адсорбция изотермаси: 1) В и 2) қиздирилган В.




6-расм. Бензол буғининг адсорбция изотермаси: 1) В и 2) қиздирилган В.

Сувли эритмаларда намуналардаги анионли ва катионли бўёқларнинг адсорбция изотермалари 1-50 мг/л концентрацияли ораликда турли хил ҳароратларда олинган. Адсорбцияланган моддалар миқдори олинган изотерманинг турига ва эритмадаги бўёқларнинг қолдиқ концентрациясига қараб БЭТ, Ленгмюр, Френдлих, Дубинин-Радушкевич назариялари тенгламалари ёрдамида аниқланди.

Алюмосиликатларнинг метилен кўки (МК) бўйича сорбцион фаоллиги таҳлили эритмадаги бўёқ моддаларнинг бир хил дастлабки концентрациясида конго қизилига (КҚ) нисбатан бир неча барабар юқори эканлигини кўрсатдики. Бироқ, нисбатан катта солиштирма сирт майдонига қарамай, НИБ намунаси КР намунасида камроқ анион табиатли бўёқ моддани ютади. Бинобарин, алюмосиликатларнинг анион бўёқ моддага нисбатан сорбцион фаоллиги асосан сирт майдони билан эмас, балки унинг заряд миқдори билан белгиланади.



7-расм. Намуналарда МК адсорбцияси изотермаси: 1) КР; 2) НИБ; 3) БК; 4) В.




7-расм. Намуналарда КҚ адсорбцияси изотермаси: 1) КР; 2) НИБ; 3) БК; 4) В.

Диссертациянинг «Табий алюмосиликатларни модификациялаш ва уларнинг текстур хусусиятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар натижалари, шу жумладан модификацияланган материалларни синтез қилиш ва уларнинг текстур хусусиятларини ўрганиш тартиби келтирилган.


Модификацияловчи полигидрохсокомплексларнинг (ПГК) олиниши

металл тузларининг ишқорий гидролизи асосида амалга оширилди. Материалларни синтез қилиш жараёнида суюқликнинг қаттиқ фазаларга нисбати, алюмосиликатларнинг алмашинадиган катионлар таркиби, гил минерални майдаланиш усули,  $[\text{OH}^-]/[\text{металл}]$  нисбати, ҳарорати ва ПГК ҳосил бўлиш вақти турлича узгарттирилди.

Потенциометрик титрлаш эгри чизиқларининг талқинидан келиб чиққан хулосага кўра, гидролиз жараёнида турли ўлчамдаги  $\text{Fe}^{3+}$  гидроксокомплекс катионларининг ҳосил бўлиши кузатилади (9-расм).



**9-расм. 1M  $\text{Fe}(\text{NO}_3)_3$  эритмасини потенциометрик титрлаш эгриси.**



**10-расм. 9:1 нисбатда олинган  $\text{Fe}(\text{NO}_3)_3$  ва  $\text{Cu}(\text{NO}_3)_2$  1 M эритмалари аралашмасини потенциометрик титрлаш эгриси.**

Диаграммалардаги эгри чизиқлардан кўришиб турибдики, титрлаш жараёни дастлабки дақиқаларда, яъни  $\text{OH}^-/\text{Me}^{n+}$  қийматлари 1 гача бўлганда амалда бир хил давом этади. Аммо  $\text{OH}^-$  ионлари концентрациясининг янада ортиши мазкур тизимда турли хил моддалар пайдо бўлишига олиб келади ва бунга турли шакллардаги эгри чизиқлар далолат беради.

Шу билан бирга  $\text{Fe}^{3+}$  ва  $\text{Cu}^{2+}$  тузларининг қўшма гидролиз жараёнлари ўрганилди. Маълумки, pH муҳитнинг паст қийматларида ҳосил бўладиган ва унинг кенг доирасида сақланиб қоладиган ионнинг борқарорлиги юқори булади. 9 ва 10-расмларда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики,  $\text{Cu}^{2+}$  ионларини модификацияловчи катион таркибига киритиш гидролизловчи моддаларнинг туридан қатъи назар, унинг барқарорлигини оширади.

$\text{Fe}^{3+}$  катионларини бойитилган КР ва НИБ ларнинг қатламлараро фазосига интеркалirlаш жараёнлари қуйидагича амалга оширилган:

- қуруқ усул, унга кўра алюмосиликатларнинг суспензиясига маълум шароитларда  $\text{Fe}^{3+}$  тузи тегишли миқдорда қўшилади;

- зол усули, модификацияловчи эритма ва гил суспензияси алоҳида тайёрланиб, сўнгра маълум бир ҳарорат ва бошқа шароитларда аралаштирилади.

Юқорида келтирилган усуллар ёрдамида олинган материаллар 200 дан 500°C гача бўлган ҳароратда 2 соат давомида 5°C/мин тезликда қиздирилди.

РФА натижалари тирқишсимон микроғоваклар ҳажмини белгилайдиган  $d_{001}$  қиймати гилни модификациялаш услубига боғлиқлигини кўрсатади. Юқоридаги усуллар асосида олинган намуналар учун  $d_{001}$  қатламлараро масофа қийматлари бир-биридан фарқ қилиб, бу ҳар хил табиат ва ўлчамдаги интеркалirlловчи катионни синтез қилиш имконияти тўғрисидаги дастлабки

тахминларни тасдиқлайди.

Биринчи усул билан синтез қилинган намуналар учун  $d_{001}$  қатламлараро оралиғи КР ва НИБ намуналари учун мос равишда 15,1 ва 15,7 Å ни, иккинчи усул асосидаги намуналар учун эса 13,7 ва 14,3 Å ни ташкил қилади.

Намуналарнинг термобарқарорлигига юқори ҳарорат билан ишлов беришнинг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, материалларнинг иссиқликга чидамлиги ҳам модификацияловчи катионнинг табиати билан белгиланади. Шундай қилиб, 1 грамига 10 ммоль Fe ҳисобида биринчи усул билан олинган КР (10-Fe-КР-1) ва НИБ (10-Fe-НИБ-1) намуналарнинг  $d_{001}$  қиймати 500°C да қиздирилганда фақат 13,4 ва 13,6 Å гача камаяди ва дастлабки базаль аксланиш интенсивлиги мос равишда 83 ва 79% гача пасаяди, бу микроғовак тузилишининг сақланиб қолишини кўрсатади. Ушбу интеркалирланган системаларнинг иссиқликка барқарорлиги монтмориллонитнинг қатламлараро оралиғида темир полиоксокатионларини дегидратлаш вақтида ҳосил бўлган Fe (III)-оксидларининг нано ўлчамли зарраларини қайд қилинишига боғлиқ. Қиздирилмаган 10-Fe-КР-1; 5-Fe-КР-1; 2-Fe-КР-1; 10-Fe-НИБ-1; 5-Fe-НИБ-1 ва 2-Fe-НИБ-1 намуналарининг рентгенограммаларида олигомер акаганеитга ҳос чизиқлар (7,4; 3,31 Å) мавжуд бўлиб, 300°C гача қиздириш жараёнида ҳам сақланиб туради. Қиздириш ҳароратининг янада оширилиши темир гидроксидларига ҳос чизиқлар интенсивлигини пасайтиради ва темир оксидларига ҳос қўшимча чизиқлар пайдо бўлишига олиб келади (гематит 2,696; 2,518 Å).

Иккинчи усул ҳолида, комплекс катионлар ва гилнинг шундай нисбатида асосидаги 10-Fe-КР-2 ва 10-Fe-НИБ-2 намуналари унчалик барқарор эмас ва 200-500°C ҳароратда қиздирилганда  $d_{001}$  қиймати 13,8-10,9 Å гача, дастлабки базаль аксланиш интенсивлиги эса 23-40% гача камаяди. Фақатгина гилнинг 5 ммоль/г дан кам бўлган ҳолларда темир ионлари билан модификациялашда  $d_{001}$  қиймати 9,6 га, интенсивлиги эса 4-11% гача камаяди, бу эса гилларни термик ишлов бериш жараёнида бошланғич тузилишнинг бузилишини кўрсатади. Худди шундай натижалар Навбахор конининг бентонитли гиллари учун ҳам олинган бўлиб, бу бир турдаги қатламли алюмосиликатлар модификацияси жараёнларининг ўхшашлигини исботлайди.

Намуналарни қиздириш темир оксогидрат устунларини дегидроксилаш йўли билан йирикроқ ва тартибли кластерларга айланишига сабаб бўлиши мумкин. Эҳтимол, биринчи усулда дастлабки монтмориллонитнинг модификацияси металнинг олигомер полиоксокатионларини шаклланишига ёрдам беради, яъни маълум ҳарорат шароитида оддий устунсимон тузилмалар эмас, балки анча мураккаб бўлган кластерларни ҳосил қилади. Мураккаб тузилмаларнинг шаклланиши интеркалирланган монтмориллонитларнинг қатламлараро масофаси қийматларини сақланиши учун жавобгардир.

Гилларни модификациялаш паст нисбий босимларда сув буғи адсорбцияси қийматларининг ортишига ёрдам беради, бу эса янги микроғовакларнинг пайдо бўлишидан далолат беради. 10-Fe-КР-1

намунасида (100°C) сув буғи адсорбцияси изотермаси қайтмас капилляр конденсатланиш рўй беришини ифодадовчи гистерезис кўринишига эга. Адсорбцияланган сувнинг максимал миқдори 10-Fe-КР-1 ва 10-Fe-НИБ-1 да мос равишда 7,35 ва 7,65 моль/кг ни ташкил этади. 5-Fe-КР-1 ва 2-Fe-КР-1 намуналарида сув буғи адсорбцияси изотермаларидаги гистерезис халқасидан ҳулоса қилиш мумкинки, қайтарилмас полимолекуляр адсорбция адсорбентларнинг бир жинсли бўлмаган юзасида содир бўлади. 10-Fe-КР-2 намунасининг десорбция изотермасидаги гистерезис халқаси 0,19 нисбий босим остида ёпилади, бу эса микроғоваклар мавжудлигидан далолат беради. 10-Fe-КР-2; 5-Fe-КР-2 ва 2-Fe-КР-2 адсорбентлари юзасида адсорбатнинг максимал миқдори мос равишда 7,35; 4,218 ва 3,42 моль/кг ни ташкил этган бўлиб, бу қийматлар биринчи усул билан синтез қилинган намуналарга нисбатан кам. Шубҳасиз, гидрофоб бензолнинг адсорбцияси миқдори бўйича барча ўрганилаётган объектлар нисбатан паст кўрсаткичларга эга. Бироқ, пастроқ  $P/P_0=0,4$  соҳаларда интеркалирланган намуналардаги бензол буғининг адсорбция изотермаси нисбатан қавариқ тузилишга эга эканлиги ва дастлабки КР намунасининг адсорбцион изотермасидан юқори жойлашганлиги кўришиб турибди, бу ҳол  $Fe^{3+}$  полиоксокаатионлари киритилиши натижасида микроғовакларнинг кўпайишини исботлайди.


1 жадвал.

**Интеркалирланган монтмориллонит гилларининг  $d_{001}$  эффекти қийматлари ва уларнинг интенсивлиги**

Интеркалирланган системаларнинг синтез услуби	Дастлабки намуна	$Fe^{3+}$ /гил нисбати	$d_{001}$	$I/I_0$
1	КР	2	13,1	88
	НИБ	2	13,3	81
	КР	5	14,7	90
	НИБ	5	14,9	89
	КР	10	15,1	94
	НИБ	10	15,4	96
2	КР	2	12,7	72
	НИБ	2	13,0	68
	КР	5	13,7	81
	НИБ	5	13,6	84
	КР	10	13,8	88
	НИБ	10	14,0	91

Маълум бўлдики, намуналарни модификациялаш гидрофоб агентга нисбатан адсорбцион фаолликни ортишига туртки бўлади. Шундай қилиб, 10-Fe-КР-1 ва 10-Fe-КР-2 намуналари учун ушбу кўрсаткичлар энг юқори қийматларга эга ва мос равишда 1,205 ва 1,123 моль/кг ни ташкил қилади, уларнинг 200°C да қиздирилган шакллари учун эса адсорбция миқдори мос равишда 16,8 ва 12,1% га ортади. Ҳароратнинг янада ошиши ушбу кўрсаткичлар қийматларини яна 2-3% га оширишга имкон беради. Эҳтимол, қиздирилган интеркалирланган гилларнинг адсорбцион хусусиятларини яхшиланиши гидроксил гуруҳларининг камайиши билан боғлиқ бўлиб, мавжуд ғовакларда бензол молекулаларининг физик адсорбцияланишини олдини олади, шунингдек оксид устунлари таркибидаги темир атомлари


ҳисобига комплекслар ҳосил қилади. Лекин, дастлабки материалларининг нисбати каби иккинчи усул асосида олинган қиздирилган адсорбентларда адсорбцион кўрсаткичларнинг сезиларли даража яхшиланиши кузатилмайди. Аксинча, 2-Fe-КР-2 намунасида қиздириш ҳароратининг 300°C дан ортиши билан бензол адсорбциясининг камайиши кузатилиб, бу тегишли хусусиятларга эга ғовакларнинг мавжуд эмаслиги ва устунсимон гиллар таркибидаги темир атомларининг етарли даражада эмаслигидан далолат беради.



**11-расм. Бензол буғи адсорбциясининг изотермалари: 1) КР; 2) НИБ; 3) 5-Fe-КР-1; 4) 5-Fe-НИБ-1; 5) 10-Fe-КР-1; 6) 10-Fe-НИБ-1.**

Интеркалирланган гил намуналарининг микротасвирларида ўлчами 30-40 мкм дан ошмайдиган агрегат зарралари кўринади, ўз навбатида дастлабки намуналарда эса бу заррачаларнинг ўлчами 50 мкм каттадир.

Синтез усули билан фарқланадиган, яъни интеркалирловчи эритма ҳосил қилиш даврида фақатгина гидролизловчи агент ҳисобига фарқланувчи усул ёрдамида мис тутган модификацияланган гил намуналари синтез қилинди. Рентген структуравий таҳлилларга кўра намунанинг қатламлараро масофаси 10-Fe/Cu-КР ва 10-Fe/Cu-НИБ (NaOH) ларда мос равишда 1,58 ва 1,62 нм ни ташкил этган бўлиб, темир полиоксокатионлари асосида олинган намуналарнинг қатламлараро масофасидан каттадир.



**12-расм. 5-Fe-КР-1 намунасининг электрон микроскопик тасвирлари: 1) қиздирилмаган; 2) 500°C да қиздирилгандан сўнг.**

Модификатор тутган эритмани тайёрлашда Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> дан фойдаланиш интеркалирланган гил намуналарининг S<sub>сол</sub> ва V<sub>s</sub> қийматларини бошқа интеркалирланган системаларга нисбатан пасайишига олиб келди, шу билан бирга турдош дастлабки гилларга нисбатан ушбу намуналарнинг микроғоваклар ҳажми ортди. Эҳтимол, Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub> билан гидролизлаш жараёнида, гидроксикомплексларидан ташқари, эритмада камроқ даражада устун ҳосил қилиш қобилятига эга гидрокарбонатлар ҳам ҳосил бўлади. Бунинг натижасида, аммиак ва натрий гидроксиди каби гидролизловчи моддалар асосида олинган намуналарга нисбатан тизимида карбонатлар тутган модификацияланган намуналарнинг микроғоваклар ҳажми бир оз паст бўлади.

Модификациловчи агент тутган эритмани тайёрлаш жараёнида гидролизловчи восита сифатида NaOH дан фойдаланган ҳолда  $\text{OH}^-:\text{Me}^{n+}$  нисбатининг 1 дан 2 гача ошириш  $S_{\text{сол}}$  нинг 40-45 фоизга ортишига олиб келди, эҳтимол бу микроғоваклар ҳажмининг 1,5-2 баробар ортиши билан боғлиқ. Мезоғоваклар ҳажмининг бундай кескин ўзгариши кузатилмади. Худди шу каби натижалар  $\text{NH}_4\text{OH}$  дан фойдаланилган вазиятда ҳам олинган.

2 жадвал.

**$\text{OH}^-/\text{Me}^{n+}$  нисбатига кўра 10-Fe/Cu-КР-1 нинг текстур хусусиятлари (эритмадаги  $\text{OH}^-$  концентрацияси 0,2 М, қиздириш харорати 500°C)**

Намуна №	$\text{OH}^-:\text{Me}^{n+}$	$S_{\text{сол}}, \text{M}^2/\text{Г}$	$V_a, \text{cm}^3/\text{Г}$	$V_b, \text{cm}^3/\text{Г}$
Гидролизловчи восита NaOH				
1	1,0	86	0,04	0,021
2	1,5	101	0,06	0,028
3	2,0	139	0,08	0,027
4	2,5	102	0,06	0,040
Гидролизловчи восита $\text{NH}_4\text{OH}$				
1	1,0	92	0,05	0,020
2	1,5	112	0,07	0,028
3	2,0	148	0,10	0,024
4	2,5	132	0,09	0,031

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибки,  $\text{OH}^-/\text{Me}^{n+}$  нисбатининг 2 гача оширилиши темир ва миснинг йирик гетероядроли гидроксокомплекслари пайдо бўлишига сабаб бўлади, микроғоваклар умумий ҳажмининг ортиши ва шунга мос равишда умумий адсорбцион сифимининг ортиши ҳисобига материалларнинг текстур параметрларини яхшиланиши шундан далолат беради. Модификатор тутган эритмаларни тайёрлаш босқичида  $\text{OH}^-/\text{Me}^{n+}$  нисбати 2 га тенг бўлган ҳолда гидролизловчи восита сифатида аммиак эритмасидан фойдаланиш юқори микроғоваклар ҳажмига эга намуналарни олишга имкон беради. Гидролизловчи восита сифатида NaOH эритмасидан фойдаланган шароитларда ҳосил бўлган гидроксокомплекслари эритмада беқарор бўлиши эҳтимоли мавжуд, чунки  $\text{OH}^-/\text{Me}^{n+}=2,3$  тенг бўлган нисбатда қаттиқ фаза зарралари ҳосил бўлиши билан гелсимон чўкма тушиши кузатилади. Бунда полигидроксокатионларнинг фақат маълум бир қисми эритмада қолади ҳамда гилнинг катионлари билан ион алмашинувида қатнашади, қаттиқ фазанинг гелсимон бўлаклари лой бўлақларининг ташқи юзаларида адсорбцияланади ва ион алмашинувида тўсқинлик қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу ҳолда тўртинчи намунада кузатилганидек, мезоғоваклар ҳажмининг сезиларли даражада ривожланиши кузатилади.

Дастлабки майдаланган вермикулитлар ва уларнинг термик ишлов берилган шакллари интеркалирлаш жараёнлари ўрганилди. Натижада интеркалирланган вермикулитларни тайёрлаш учун мақбул шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар қуйидаги босқичлардан иборат: тозаланган В намуналари ҳар граммга 10 мл 0,8 М ли хлорид кислота эритмаси билан 90°C ҳароратда 2 соат доимий аралаштирилиб ишлов берилади; қаттиқ фаза декантация усулида ажратилади, ювилади ва қуритилади (В1). Сўнгра


олинган В1 нинг маълум бир қисми 600°C ҳароратда (В2) термик ишлов берилади. В2 намунаси ион алмашинуви жараёни тўлиқ амалга ошиши учун 0,5 М NaCl эритмаси билан мос равишда 1:10 масса нисбатда 95°C ҳароратда доимий аралаштириб ишлов берилади. Na-алмашинган вермикулитлар (В3) дистилланган сувда қайта тарқатилади (2-4% оғ.) ва  $Fe^{3+}$  ва  $Fe^{3+}/Cu^{2+}$  ларни ўз ичига олган интеркалирловчи эритмалар аста-секин ҳосил бўлган суспензияларга аралаштириб ва 80°C ҳароратда 4 соат давомида қўшилади (В4). Полигидроксокомплекслар ҳосил бўлиши учун мақбул ҳарорат интеркалирланган вермикулитларнинг рентгенограммаларини таҳлил қилиш натижасида аниқланди. Катионларни қатламлараро фазога сингдирилиш даражасига суспензиялар сақланиш даврининг таъсири ўрганилди. Сингдирилган  $Fe^{3+}$  ионларининг сони модификация жараёнидан олдинги ва кейинги миқдорини аниқлаш орқали ўрганилди.

Дастлабки вермикулитнинг 6,03, 7,1 ва 7,33° турлича аксланиш қийматлари  $Mg^{2+}$ ,  $Ca^{2+}$ ,  $Fe^{2+}$  ва бошқа турли хил оралик гидратланган катионларнинг мавжудлигини кўрсатади. В1 дифрактограммасида 7,51° соҳада вермикулитнинг Н-шаклига ҳос интенсив аксланиш кузатилди, бу ҳол оралик гидратланган катионлар алмашинувидан далолат беради. Термик ишлов бериш биринчи базал аксланишни каттароқ бурчакларга силжишига олиб келди ва В2 қўшимча ҳосилаларсиз битта кучли чўққини (8,83°) намоён қилмоқда. Бундай интенсив чўққининг кузатилиши В3 намунаси учун ҳам хосдир, фақат  $Na^{+}$  ионларининг киритилиши туфайли чўққининг бироз силжиши (7,26°) кузатилади. Ушбу кучли аксланиш вермикулитнинг Na-шаклига ўзгаришини нафақат кристалларнинг чеккаларида, балки оралик қатламларида эканлигини кўрсатади.


В4-Fe ва В4-Fe/Cu дифрактограммалари мос равишда 4,83 ва 4,98° да кучли аксланишни намоён этади. Бинобарин, ушбу намуналарнинг қатламлараро масофаси 17,8 ва 18,1 Å гача катталашини йирик полиоксокатионлар синтези ва уларни вермикулитнинг қатламлараро пакетларига муваффақиятли интеркалирланишини исботлайди. Бироқ, дастлабки В ни интеркалирлиш жараёни унумнинг пастлиги ҳисобига унча фарқли натижаларни кўрсатмади ва бу уларнинг текстур ва адсорбцион хусусиятларида намоён бўлди.

Маълум бўлдики, термик ишлов бериш интеркалирланган вермикулитларнинг (В4) қатламлараро масофасини аҳамиятсиз даражада камайтиради, шу ўринда бошқа намуналар учун (В, В1-В3) сезиларли даражада камайиш кузатилади.

Дастлабки ва модификацияланган вермикулитлардаги адсорбция изотермаларининг деярли барчаси поғонасимон кўринишга эга. В3 ва В4 намуналаридаги бензолнинг адсорбцион изотермаларига кўра ҳисобланган солиштирма сирт юза мос равишда 42,46 ва 63,33 м<sup>2</sup>/г ни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, кислота билан ишлов бериш ва кейинчалик натрий тутган модификатор билан модификациялаш кутбсиз ва кутбли адсорбатларга нисбатан адсорбция қобилиятини ортишига олиб келди. Шу билан бирга, ушбу намуналар иссиқликка барқарорлиги билан фарқ қилмайди ва қиздирилганда фаол сирт майдонининг пасайиши аниқланди.



13-расм. Намуналар дифрактограммиси:  
1)B4 (500); 2)B3; 3)B1; 4)B4; 5)B.



14-расм. Вермикулит намуналарида бензол буғи адсорбцияси изотермалари.

Дастлабки В намунаси билан таққослаганда, қолган барча намуналарда солиштирма сирт майдонлари ва умумий микроғовак ҳажмлари сезиларли даражада ошган. Бензол адсорбцияси изотермалари бўйича ҳисоблашлар интеркалирлаш ғовак ҳажмини 94,38 дан 18,52 нм гача қисқартиришига олиб келишини кўрсатди. Шу билан бирга, ғовакли структуранинг иссиқликка барқарорлиги модификациялаш шароитларига боғлиқ, деб таъкидлаш мумкин, яъни ғовак радиуси ва солиштирма сирт майдони қийматларининг оз миқдорда ўзгариши интеркалирлаш туфайли барқарорлик сезиларли даражада ортишини тасдиқлайди.

3-жадвал.

#### Интеркалирланган каолинларнинг текстур хоссалари

Намуна	Қиздириш харорати, °С	$A_{\infty}$ , моль/кг	$S$ , м <sup>2</sup> /г	$\Sigma V_a$ , см <sup>3</sup> /г	$\Sigma V_b$ , см <sup>3</sup> /г	$\Sigma V_o$	R, нм
Сув буғи адсорбцияси бўйича							
Fe-БК	-	0,721	46,74	0,04	0,128	0,168	8,50
	500	0,598	38,87	0,02	0,147	0,168	8,66
Fe/Cu-БК	-	1,121	72,86	0,05	0,116	0,168	6,62
	500	0,700	45,49	0,04	0,130	0,168	7,40
Бензол буғи адсорбцияси бўйича							
Fe-БК	-	0,295	71,00	0,071	0,575	0,646	18,02
	500	0,381	91,79	0,078	0,568	0,646	14,08
Fe/Cu-БК	-	0,387	93,27	0,086	0,560	0,646	13,85
	500	0,511	122,93	0,097	0,549	0,646	10,51

БК намунасининг модификацияси зол усули ёрдамида амалга оширилган. Интеркалирланган каолинларнинг тузилиш кўрсаткичларига дисперслаш жараёнлари шартлари, полиоксокатионларнинг ҳосил бўлиш давомийлиги, термик ишлов бериш ва бошқа омилларнинг таъсири ўрганилди.

